

Марказий сайлов комиссиясининг
2021 йил 29 декабрдаги 1158-сон қарорига
илова

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
2022 йил биринчи ярим йилликка мўлжалланган
ИШ РЕЖАСИ**

I. Марказий сайлов комиссиясининг 2022 йилдаги устувор вазифалари

1. Умумэътироф этилган халқаро сайлов стандартлари, халқаро кузатувчилар тавсиялари ва хуқуқни қўллаш амалиёти таҳлиллари асосида сайлов қонунчилиги ва сайлов амалиётини такомиллаштириш.
2. Сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш масалаларида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, хорижий давлатлар тажрибасини ва халқаро амалиётни ўрганиш, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар сайлов органлари билан ҳамкорлик доирасини кенгайтириш.
3. Сайлов ташкилотчиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш.
4. Сайлов жараёнларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий қилиш.
5. Марказий сайлов комиссияси фаолияти самарадорлигини ошириш, Котибияти тузилмаси ва фаолиятини такомиллаштириш.
6. Марказий сайлов комиссияси фаолияти, сайлов жараёнларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, жамоатчилик билан алоқаларни ривожлантириш ва аҳолининг электорал маданиятини юксалтириш.
7. Маҳаллий Кенгашларга сайлов ўтказувчи сайлов комиссиялари фаолиятининг ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш.

**II. Марказий сайлов комиссиясининг мажлисларида
кўриб чиқилиши режалаштирилган масалалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг бўшаб қолган ўринларига сайлов ўтказиш тўғрисида.

январь-июнь

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2022 йил биринчи ярим йиллик иш режасининг 1-чорак якунлари бўйича ижроси тўғрисида.

апрель

3. Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига сайловларни ўтказишида Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси талабларида риоя этилиши ва унинг бир хил тарзда қўлланилиши ҳолатини ўрганиш натижалари тўғрисида.

апрель, июнь

4. Республика ҳудудларида сайлов жиҳозларининг ҳисобини юритиш ва сақланиш ҳолатини манзилли ўрганиш натижалари тўғрисида.

апрель, июнь

**III. Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий йўналишлари ва 2022 йилдаги устувор вазифаларидан
келиб чиқиб, 2022 йилнинг биринчи ярим йиллигига амалга ошириладиган
ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

T/р	Тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
1. Сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш			
1.1.	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бўшаб қолган ўринларига сайлов ўтказиш	январь-июнь	Х.Маматов Б.Юнусов, С.Курбанкулов Р.Камилов
1.2.	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасининг бўшаб қолган ўринларини таҳлил қилиш ва сайлов ўтказиш бўйича таклиф тайёрлаш	май	Б.Кучкаров Х.Маматов, Б.Юнусов, С.Курбанкулов А.Ибодуллаев Р.Камилов
2. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари билан ишлаш, МСК хуқуқий ҳужжатларини тизимлаштириш			
2.1.	Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг регламентини қайта кўриб чиқиш	март	Б.Кучкаров Х.Маматов МСК аъзолари И.Хаджиев, Р.Камилов
2.2.	МСК Котибияти тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш	март	Б.Кучкаров Х.Маматов И.Хаджиев, Р.Камилов
2.3.	Сайлов конунчилигини такомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонун лойиҳасини тайёрлаш	май-июнь	Б.Кучкаров Х.Маматов, МСК аъзолари Х.Палуаниязов И.Хаджиев, Р.Камилов

Т/п	Тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
2.4.	Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Корақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиши молиялаштириш ҳамда маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш	май	А.Ибодуллаев Ж.Фахрутдинов, Ш.Умаров, И.Хаджиев
2.5.	Ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайлов ўтказиши бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиялари фаолиятини тартибга солувчи намунавий регламент лойиҳасини ишлаб чиқиш	июнь	Б.Юнусов И.Хаджиев, Р.Камилов
2.6.	МСКнинг қарорларини хатловдан ўтказиши, уларнинг реестрини такомиллаштириш, унинг назорат ҳолатида юритилишини таъминлаш	мунтазам	И.Хаджиев
3. Сайлов жараёнлари ва сайлов қонунчилигини қўллаш амалиётини таҳлил қилиш			
3.1.	2021 йил 24 октябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиши жараёнларида юзага келган муаммоллар ва камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш	январь	Б.Кучкаров Х.Маматов МСК аъзолари ва Котибият бўлимлари
3.2.	Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида сайлов жиҳозларининг сақланиш ҳолатини манзилли ўрганиш	февраль	А.Ибодуллаев М.Кадирова, О.Базаров Ж.Фахрутдинов, Ш.Умаров

Т/р	Тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
3.3.	Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари халқ депутатлари вилоят (туман ва шаҳар) Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов комиссиялари томонидан Сайлов кодекси нормаларининг бир хилда қўлланилиши ҳамда маҳаллий Кенгашларнинг бўшаб қолган ўринларга сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш амалиётини ўрганиш	февраль	С.Курбанкулов, Б.Юнусов, М.Кадирова, О.Базаров, Р.Камилов
3.4.	Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида сайлов жихозларининг сақланиш ҳолатини манзилли ўрганиш, таҳлил қилиш ва МСК раҳбариятига ахборот тақдим этиш	апрель	А.Ибодуллаев Ф.Аҳмедова, А.Исоқбоев, О.Қозихонова Ж.Фахрутдинов, Ш.Умаров
3.5.	Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида халқ депутатлари вилоят (туман ва шаҳар) Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов комиссиялари томонидан Сайлов кодекси нормаларининг бир хилда қўлланилиши ҳамда маҳаллий Кенгашларнинг бўшаб қолган ўринларга сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш амалиётини ўрганиш	апрель	С.Курбанкулов, Б.Юнусов Ф.Аҳмедова, А.Исоқбоев, О.Қозихонова Р.Камилов
3.6.	Хорижий давлатларнинг парламент ва маҳаллий вакиллик органларга сайлов ўтказиш (можаритар, пропорционал, аралаш ва ҳоказо) тажрибаси, амалиёти ва қонунчилигини ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида миллий сайлов қонунчилигини янада такомиллаштириш бўйича асослантирилган таклифлар ишлаб чиқиши	май	Б.Кучкаров Х.Маматов, Б.Юнусов Х.Палуаниязов, И.Хаджиев Р.Камилов
3.7.	Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ товарлар ва хизматларнинг харид қилиниши ҳамда ташкилий-молиявий ва логистика амалиёти ва механизмларини таҳлил қилиш ҳамда уларни такомиллаштириш ва мақбуллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш	май	А.Ибодуллаев Ж.Фахрутдинов, Ш.Умаров И.Хаджиев

Т/р	Тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
3.8.	Сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича қалендарь режаларини тайёрлаш амалиётини таҳлил қилиш ҳамда уни такомиллаштириш ва тизимлаштириш бўйича таклиф киртиш	июнь	Б.Кучкаров Х.Маматов Р.Камилов
4. Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, сайлов тизими ва сайлов жараёнларини кенг ёритиш, жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлаш			
4.1.	2021 йил 24 октябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови якунларига бағишланган ҳисботини тайёрлаш ва чоп этиш	январь-февраль	Б.Кучкаров Х.Палуаниязов, К.Арсланова МСК аъзолари ва Котибият бўлимлари
4.2.	Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида олиб борилган ахборот кампаниясини таҳлил қилиш ҳамда сайловларда ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш бўйича ахборот стратегиясининг асосларини ишлаб чиқиш	январь-февраль	Б.Кучкаров Ш.Қурдатхўжа Ж.Усманов
4.3.	МСКнинг 2022 йил биринчи ярим йилликка мўлжалланган медиа-режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш	январь	Б.Кучкаров Ш.Қурдатхўжа Ж.Усманов
4.4.	МСКнинг расмий веб-сайтига жойлаштириш учун МСК аъзолари ва Котибияти бўлимлари маълумот ва ахборотларни тақдим қилиш тартиби ва механизми бўйича таклиф киртиш	январь	Б.Кучкаров Ж.Усманов МСК аъзолари ва Котибият бўлимлари
4.5.	Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампанияси давомида матбуотда ва Интернет тармоғида чоп этилган МСК раҳбарияти, аъзолари, Котибият масъул ходимларининг мақолалари тўпламини тайёрлаш	февраль	Б.Кучкаров Ж.Усманов

Т/р	Тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
4.6.	МСК фаолиятининг очиқлигини таъминлаш ва матбуот хизмати ишлашининг концепциясини ишлаб чиқиш	март	Б.Кучкаров Ж.Усманов
4.7.	МСК расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари юритилишини ва самарадорлигини таҳлил қилиш, уларни фаоллаштириш бўйича таклиф киритиш	февраль-март	Б.Кучкаров Ж.Усманов
4.8.	МСК фаолияти, сайлов тизими тўғрисида жамоатчилик фикрини, миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг позициясини ўрганиш мақсадида Интернет тармоғи, матбуот ва электрон ОАВнинг кунлик мониторинги натижалари бўйича МСК раҳбариятига таҳлилий ахборот ва таклиф киритиб бориш	ҳар хафта	Ж.Усманов
4.9.	МСКнинг расмий веб-сайти, ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида давлат тилини тарғиб қилиш, 2023 йилдан лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўтишга доир оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларда эълон қилинган долзарб материалларни ёритиб бориш	мунтазам	Қ.Очилов Ж.Усмонов
4.10.	Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига доир фото- ва видеоматериалларни архивини шакллантириш ҳамда унинг асосида сайлов фотоальбомини ва сайлов босқичларига бағишлиланган видеороликлар тўпламини яратиш	февраль-март	Ж.Усманов
4.11.	Аҳолининг электорал маданиятини юксалтириш ҳамда ёшлар ўртасида сайлов ҳуқуқларини тарғиб қилиш борасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари хузуридаги Ёшлар парламенти билан ҳамкорлик шакллари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш	февраль	Б.Кучкаров Б.Юнусов Ж.Усмонов

Т/р	Тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
4.12.	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 7 июндаги Қўшма қарори билан тасдиқланган Ахолининг электорал маданиятини юксалтириш бўйича Миллий ҳаракатлар дастури ижросини таъминлаш доирасида профессионал ва олий таълим ташкилотларида “Сайлов ҳуқуқий ва сайлов жараёни” мавзусидаги машғулотларни ташкил этиш бўйича Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда услубий материалларни тайёрлаш	январь-февраль	Б.Юнусов С.Курбанкулов Ж.Усмонов
4.13.	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 7 июндаги Қўшма қарори билан тасдиқланган Ахолининг электорал маданиятини юксалтириш бўйича Миллий ҳаракатлар дастури ижросини таъминлаш доирасида 10-11-синф ўқувчилари “Сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш” мавзусидаги очиқ дарсларни ташкил этиш бўйича Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда услубий материалларни тайёрлаш	январь-февраль	Б.Юнусов С.Курбанкулов Ж.Усмонов
4.14.	МСК ва Ўзбекистон сайлов тизими тарихи, уларнинг шаклланиши ва ривожланиши тўғрисида МСК расмий веб-сайтида жойлаштириш ҳамда нашр этиш учун ахборот-таҳлилий материал тайёрлаш.	май	Б.Кучкаров Ж.Усманов, Қ.Очилов МСК аъзолари ва Котибият бўлимлари
5. Марказий сайлов комиссияси фаолиятига ва сайлов жараёнларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш			
5.1.	Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини такомиллаштириш бўйича вазирлик ва идоралар вакилларидан иборат ишчи гуруҳи таркибини шакллантириш ва иш режасини ишлаб чиқиш	январь	Б.Кучкаров Б.Юнусов М.Сатаев

Т/р	Тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
5.2.	Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини такомиллаштириш бўйича ишчи гуруҳи томонидан хорижий давлатлар тажрибасини ўрганишни ташкил этиш	февраль-март	Б.Кучкаров Б.Юнусов М.Сатаев
5.3.	Ишчи гуруҳи томонидан СЖБАТ ва СЯЭРни такомиллашириш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш	апрель-май	Б.Кучкаров М.Сатаев МСК аъзолари
5.4.	СЖБАТ дастурига киритилган халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўtkазувчи сайлов комиссияларининг аъзолари тўғрисидаги маълумотларнинг долзарблигини таъминлаш	февраль-май	Б.Юнусов Р.Камилов М.Сатаев
5.5.	СЖБАТ дастурига киритилган халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари тўғрисидаги маълумотларни ҳар чоракда янгилаб бориш	ҳар чорак якунида	Х.Маматов Р.Камилов М.Сатаев
5.6.	МСК фаолиятига замонавий ахборот технологияларни жорий қилиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, электрон хужжат алмашинуви, видеоконференция тизимини такомиллаштириш	доимий	Б.Кучкаров М.Сатаев
6. Сайлов жараёнларига замонавий ўқув технологиялари ва услубий ёндашувларни тадбиқ этиш			
6.1.	Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайлов ўтказиш бўйича вилоят, шаҳар ва туман сайлов комиссиялари таркибини таҳлил қилиш	февраль	Б.Юнусов Р.Камилов
6.2.	МСКнинг 2021 йил 27 апрелдаги қарори билан тасдиқланган Сайлов комиссиялари аъзоларининг малакасини ошириш концепциясининг ижросини юқори малакали эксперталар (12 нафар) ҳамда Республика тренерлари (56 нафар) иштирокида атрофлича таҳлил қилиш, натижасига кўра келгуси сайловларда ушбу ўқув тизимининг самарадорлигини янада ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш	Февраль	Х.Маматов Б.Юнусов Х.Палуаниязов

Т/р	Тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
6.3.	Сайловлар жараёнларида сайлов комиссиялари аъзоларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ишлаб чиқилган ўкув ва услубий материалларни таҳлил қилиш ва такомиллаштириш	февраль	Х.Маматов Б.Юнусов Х.Палуаниязов
6.4.	“Saylov 2021” мобил иловасини доимий равишда сайлов комиссиялари аъзоларини тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларида фойдаланиш учун янада такомиллаштириш бўйича таклиф киритиш	март	Б.Кучкаров Х.Палуаниязов М.Сатаев
6.5.	Умумтаълим ва ўрта маҳсус таълим ташкилотлари ўқитувчилари учун ҳар икки йилда бир маротаба ўтказиладиган “Сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш” мавзусидаги малака ошириш ва қайта тайёрлаш қисқа муддатли курслари (10 соатлик) дастурини ишлаб чиқиш бўйича таклиф тайёрлаш	март	Х.Маматов Б.Юнусов Х.Палуаниязов
6.6.	Сайлов комиссияси аъзолигига номзодларнинг узлуксиз таълим олиши тизимини яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш	апрель	Б.Кучкаров Х.Маматов Х.Палуаниязов
6.7.	Участка сайлов комиссиялари аъзолигига номзодларнинг доимий ягона базасини шакллантириш, уларни даврийлик принципи асосида мунтазам ўқитишни йўлга қўйиш бўйича хорижий тажрибани ўрганиш ва таҳлилий маълумот тайёрлаш	май	Х.Палуаниязов М.Алимбаев К.Арсланова
7. Халқаро ҳамкорлик			
7.1.	МСК ҳамда Ҳиндистон Сайлов комиссияси ўртасида ўзаро ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган меморандум имзолаш бўйича ишларни олиб бориши	январь-июнь	Г.Рахимова М.Алимбаев
7.2.	Халқаро ташкилотлар (<i>EXXT ДИИХБ</i>) ва сайлов органлари бирлашмаларининг (<i>БСОА ва бошқа</i>) тадбирларида (<i>тренинг, конференция</i>) МСК вакилларининг иштирокини таъминлаш	январь-июнь	Г.Рахимова М.Алимбаев

Т/Р	Тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
7.3.	Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг сайлов органлари раҳбарларининг Маслаҳат қенгашини шакллантириш бўйича ҳужжатларни (Низом ва Битим лойиҳаси) қайта кўриб чиқиш ва белгиланган тартибда келишишга доир ишларни олиб бориш	январь-февраль	Б.Кучкаров Г.Рахимова
7.4.	2021 йил 24 октябр куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижалари бўйича EXХТ ДИИҲБнинг Якуний ҳисоботини таҳлил қилиш асосида таклифлар тайёрлаш	март	Б.Кучкаров Г.Рахимова МСК аъзолари ва Котибият бўлимлари
7.5.	Халқаро ташкилотлар ва институтлар (<i>EXХТнинг Ўзбекистондаги Лойиҳалар Координатори, БМТ нинг Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги оғиси, ННТ МФИС</i>) билан ҳамкорликдаги лойиҳалар фаолиятини амалга оширишни мувофиқлаштириш (<i>иичи лойиҳа режалари асосида</i>)	январь-июнь	Г.Рахимова М.Алимбаев
7.6.	Ўзбекистон Республикаси вакилларининг хорижий сайлов органлари таклифига биноан ва турли халқаро ташкилотлар (<i>МДҲ, МДҲПА, ШҲТ, Туркӣ давлатлар ташкилоти, EXХТ ДИИҲБ ва ПА, Туркӣ тилли давлатлар ПА ва бошқа</i>) миссиялари таркибида хорижий мамлакатлардаги сайловлар ва референдумларни кузатишда иштирокини ташкил этиш (<i>сайловлар календари асосида</i>)	январь-июнь	Г.Рахимова М.Алимбаев
7.7.	МСК ва хорижий давлатларнинг сайлов органлари билан икки тарафлама ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш бўйича учрашувлар ва мулоқотлар ўтказиш	январь-июнь	Г.Рахимова М.Алимбаев
8. Марказий сайлов комиссияси фаолиятини таомиллаштириш ва моддий-техник таъминлаш			
8.1.	Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун ажратилган маблағларнинг сарфланиши юзасидан якуний молиявий таҳлилни ўтказиш	январь-февраль	А.Ибодуллаев Ш.Умаров, Ж.Фахрутдинов

Т/р	Тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
8.2.	МСК аъзолари ўртасида вазифаларни қайта тақсимлаш	февраль	Б.Кучкаров Х.Маматов, МСК аъзолари И.Хаджиев, Р.Камилов
8.3.	Сайлов органлари ва тизимини такомиллаштириш бўйича хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш, таҳлил қилиш ва таклифлар тайёрлаш	март	Б.Кучкаров Х.Маматов, Б.Юнусов Котибият бўлимлари
8.4.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида мавжуд сайлов жиҳозларининг ҳисобини юритиш, сайлов кампанияси даврида сайлов участкаларининг сайлов жиҳозларига бўлган эҳтиёжларини аниқлаш ва таъминланиши ҳақидаги маълумотларни доимий равишда олиш имконини берадиган “saylov_ta’minton_bot”нинг маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда тўлиқ ишга тушириш	март-апрель	М.Сатаев Ж.Фахрутдинов
8.5.	МСКнинг 2023 йил учун мўлжалланган барча харажатларини инобатга олган ҳолда бюджет прогнози лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Молия вазирлигига тақдим этиш	май-июнь	А.Ибодуллаев Ш.Умаров
8.6.	МСК фаолияти самарадорлигини ошириш, Котибияти тузилмаси ва фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклиф тайёрлаш	июнь	Б.Кучкаров Х.Маматов, Б.Юнусов Котибият бўлимлари
8.7.	МСКнинг расмий веб-сайтини лотин алифбосига ўтказиш	июнь	Ж.Усмонов, К.Очилов, М.Сатаев
8.8.	МСКнинг 2021 йил йиллик ҳамда 2022 йил биринчи, иккинчи чораклик молиявий ҳисботларни тўгри ва сифатли тайёрлаш ва қонунда белгиланган муддатларда молия, солиқ ва статистика идораларига тақдим этиш	мунтазам	А.Ибодуллаев Ш.Умаров
8.9.	МСКнинг моддий-техник таъминотини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш	январь-февраль	Б.Кучкаров А.Ибодуллаев, К.Каримов

Т/п	Тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
9. Йигилишлар, семинарлар, тренинглар, конференциялар ва бошқа тадбирларни ўтказиш			
9.1.	Халқ депутатлари вилоят Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов комиссиялари котиблари учун “Бўшаб қолган ўринларга маҳаллий Кенгаш депутатлари сайловини ўтказишнинг долзарб масалалари” мавзусида ўқув семинари ўтказиш	март	Б.Юнусов МСК аъзолари Х.Палуаниязов
9.2.	“Демократик сайловлар ўтказиш тенденциялари: миллий ва хорижий тажриба” мавзусида халқаро конференция ташкил этиш	май	Г.Рахимова М.Алимбаев Ж.Усманов
9.3.	Олий таълим муассасалари талабалари иштирокида “Сайлов қонунчилиги билимдони” кўрик танловини эълон қилиш ва ўтказиш	апрель-июнь	Б.Юнусов Ж.Усмонов
9.4.	Атоқли тилшунос олимлар, адиблар ва сиёsat арбоблари билан МСК ходимларининг юксак маънавият, давлат тили ва лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига бағишлиланган учрашувлар ташкил этиш	хар чоракда	Х.Маматов К.Очилов
10. Мурожаатлар билан ишлаш			
10.1.	Жисмоний ва юридик шахсларнинг МСКга келиб тушаётган мурожаатларини Сайлов кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Конунига мувофиқ кўриб чиқиши	январь-июнь	Х.Маматов МСК аъзолари И.Хаджиев
10.2.	МСКга жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган мурожаатлар билан ишлашнинг 1-чорак якунлари бўйича таҳлилий маълумот тайёрлаш ҳамда муҳокама қилиши	апрель	Х.Маматов С.Курбанкулов И.Хаджиев
10.3.	МСК раҳбарияти ва аъзолари, Котибият ходимлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича қабулларни ташкил этиши	январь-июнь	Х.Маматов И.Хаджиев